

## Пудрат шартномаси

№ 22 - сон

« 24 » Ноябрь 2022 йил

Кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритиладиган Мирзо Улугбек тумани ободонлаштириши бошкармаси номидан Низом асосида иш кўрувчи бошлиқ **Халилов У.А.** бир томондан ва кейинги ўринларда “Пудратчи” деб юритиладиган “BARAKA MUXAMMADSHARIF” МЧЖ номидан Низом асосида иш кўрувчи директор **Арифходжаев А.Ш.** иккинчи томондан қурилиш ишларига доир мазкур пудрат шартномасини туздилар.

### I. Таърифлар

#### 1. Мазкур шартномада тарифлар кулланилади:

**“ижро ҳужжатлари”**: - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун маъсул бўлган шахслар томонидан уларга киритолган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларини бажаришда кўлланилган материаллар, конструкция ва деталларнинг сифатини тасдиковчи бошка ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдикланганлиги тўғрисида далолатномалар, айрим маъсулиятли конструкциялар оралиқ даврда кабул килиниши тўғрисида далолатномалар, монтаж килинган асбоб-ускуналарнинг якка тартибдаги синови тўғрисида далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва коидаларида назарда тутилган бошка ҳужжатлар;

**“курилиш майдони”**: Мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегарасини ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланган бошка белгилар билан белгилаб қўйилади.

**“вактинчалик ишлар”**: Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишлар бажариш учун зарур зарур бўлган ҳар типдаги вактинчалик бинолар ва иншоотлар.

**“беркитилган ишлар”**: - сифати ва якунлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниглаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар:

**шартномани нархини бўлиб чиқиши**: ишларнинг ҳар бир босқичи ёки турлари кийматининг аниқ белгиланган холдашартнома бўйича объектни умумий кийматини босқичларга тақсимлаш.

### II. Шартнома мавзуси

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофиқ “Тошкент шахар Мирзо Улугбек тумани Алномиши МФЙ худудидаги Мишишкор тупик кўчаси асфальт қопламасини таъмирлаши” ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни кабул килиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

### III. Шартнома бўйича ишлар киймати.

3. Мазкур шартнома бўйича тасдикланган ишлар киймати барча соликлар, йигимлар ва ажратмаларини ўз ичига олган холда жорий нархларда **91 920 000,90** (Тўксон бир миллион тўқизз юз йигирма минг) сўм 90 тийинни ташкил этади.

4. Қурилиш киймати ва кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолати сабаб бўлгандан:

ишлар ҳажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;  
объектнинг қурилиши бир йилдан ортикка ўзгартирилганда.

5. Қурилиш муддати бир йилдан ортик бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниглаштириш конун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага кўшимча битим билан расмийлаштирилади.

### IV. Пудратчининг мажбуриятлари

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг 2-бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга “1” иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда иншоот нархидаги ишларни энг камида 50%ни ўзининг кучлари билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартларига мувофиқ топшириш;

- “1” иловага мувофик қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллар, буюмлар, конструкциялар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникаларини етказиб бериш, уларни қабул килиш тушириш омборга жойлаш ва саклаш;
- қурилиш майдони худудида вактинчалик иншоотлар қуриш;
- буюртмачини Пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мазмуни, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор килиш;
- қурилиш таваккалчилигини сугурта килиш.

Мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул килиб олиш тўғрисидаги далолатномага имзо чекилгандан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари, асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлари, конструкциялар ҳамда вактинчалик бинолардан бўшатиш;

қурилиш майдонини кўрикланишини таъминлаш;

қурилиш жараёнида жалб килинган ишчи ходимларни белгиланган тартибда расмийлаштириб, ижтимоий химояси ва техник хафсизлигини таъминлаш.

Мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлик ҳажмда бажаришни ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан (қурилиш ишларининг 50 %дан кўп бўлмаган) зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлик мулкий жавоб беради.

## V. Буюртмачининг мажбуриятлари

9. Мазкур шартномани бажариш учун буюртмачи:

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага иловага мувофик ишларни бажариш учун ярокли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунча бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

- ишлар бажарилиши устидан доимий қурилишда техник назорат ва мазкур шартномада кайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат килиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул килиб олишни таъминлаш;

- молиялаштириш жадвалига биноан пудратчига 2 иловага мувофик аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб, бир ой давомида пудратчига пудрат ишларини қабул килиш учун зарур бўлган ижро хужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

- мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлик ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

## VI. Ишларни бажариш муддати

10. Шартнома миллий валюта (сўмда) ўзаро хисоб-китоб қилинганда томонлар учун имзоланган пайтдан бошлаб:

Шартнома конун хужжатларга мувофик рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга киради:

11. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофик, биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

12. Танлов натижаси бўйича аникланган қурилишнинг давом этиши вакти ишлар бошланган кундан эътиборан **10** кунни ташкил этади.

13. Мазкур шартнома бўйича ишлар, ишларни бажариш жадвалига мувофик амалга оширилади.

## VII. Тўловлар ва хисоб-китоблар

14. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий қийматининг 30 % микдорида, аванс ўтказади, бу **27 576 000,27** (Йигирма етти миллион беш юз етмиш олти минг ) сўм 27 тийинни ташкил этади.

15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос хисобланади (З-илва)

16. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, берилган авансни хисобга олган ҳолда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофик объектнинг умумий шартномавий жорий қийматнинг 100% гача доирасида амалга оширилади.

17. Объектнинг шартномавий жорий қийматнинг қолган кисми Буюртмачи ва Пудратчи ўргасидаги узил-кесил хисоб-китоб қурилиш тугаллангандан кейин ва объект қабул комиссияси томонидан белгиланган тартибда қабул қилингандан кейин ёки мазкур шартномада белгиланган кафолат муддати (бир йил) тамом бўлгандан кейин ишлар қийматининг 5% гача микдорида, амалга оширилади:

18. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга кадар мазкур шартнома бўйича мулк хукукини ўзида саклаб колади. Объектнинг Буюртмачига топширилгунга кадар, объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

19. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул килган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб 30 кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун хужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор килган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш хукукига эгадир. Бундан Буюртмачи пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳак тўлашдан озод килинмайди.

### VIII. Ишларни бажариш

20. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вакилини – Техник аудиторини тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб ускуналар шартнома шартларига ва иш хужжатларига мувофиклигини текширади.

21. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун давр мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиксиз танишиш хукукига эгадир.

22. Пудратчи Техник аудитор ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йигилишларда мунтазам равишда катнашади.

23. Пудратчи ишларни бажариш лойихасига ва мазкур шартноманинг VI-бўлимда кўрсатилган муддатлар билан мувофикаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустакил равишда ташкил этади.

24. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини қурилишда Давлат назорат инспекцияси билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун хужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

25. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси хисобланади.

26. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўгрисидаги далолатнома билан бир вактда Пудратчига ортиқча тупрок ва қурилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупрокни қазиб олиш учун жой ажратиш тўгрисидаги хужжатларни беради.

27. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўгрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб 3 кун муддатда қурилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни боғлаш (привязка) қилиш учун Пудратчига геодезия нукталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

28. Пудратчи геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари ўлчамлари бўлиши ва уларнинг мувофикалиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган ва геодезия ишларида хатолар аниқланса Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз хисобидан киритади.

29. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларнинг жойлаши схемаларини ва жадвалларни саклайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатномани бўйича Буюртмачига беради.

30. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вактинча улашни ва улаш нукталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

31. Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб ускуналари ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва коммуникация тизимлари сифати лойиха хужжатларида кўрсатилган спецификацияларга давлат стандартларига, техник шартларга мувофик бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошка хужжатларга эга бўлишини кафолатлади.

32. Алоҳида беркитилган конструкциялар ва беркитилган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилишни бошлашдан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва қурилишда Давлат назорати инспекциясини ёзма равишда хабардор килади.

33. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан маъсул конструкцияларни оралиқ қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг қурилишда Давлат назорати инспекцияси билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

34. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарига киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

35. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдигисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор килинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор килинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича

Дратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофик беркитиладиган ишларнинг исталган кисмини ўз хисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларга жиддий таъсир қилмайдиган иш хужжатларидан майда четга чикишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга ошире, у агар буларнинг курилиш сифатига таъсир этмаганлигини исоблатласа жавобгар хисобланмайди.

36. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганинги аникласа у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва курилиш кийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келшилган муддатда кайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 35 бандининг иккинчи хат бошида кўрсатилган холлар бундан мустасно.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши окибатида етказилган заарларни Буюртмачига тўлади.

37. Пудратчи курилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларини супуриб-сидиради ва озода саклайди, курилиш даврида майдонда курилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чикариб ташлайди.

38. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунча Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларни бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олиниши ўтказилган синовлар, материаллар ўз вактида етказиб берилмасилиги билан боғлик тўхтаб қолишлар, курилиш техникасининг ишдан чикиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек курилишни тугаллашни узил-кесил муддатига таъсир килиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг кайдларидан қоникмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида ўз фикирини баён киласди.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равиша кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини ўз зиммасига олади.

#### **IX. Ишларни кўриклаш**

39. Пудратчи ишлар бошланишидан курилиш тугаллагунча ва курилиш тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга кадар четлари тўсилган курилиш майдони худудидаги материаллар, асбоб-ускуналар курилиш техникаси ва бошка мол-мулк зарур даражада қўрикланишини таъминлайди.

40. Тикланган бино ва иншоотлар шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошка мол-мулклар объект қабул қилиб олингандан кейин сакланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

#### **X. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари**

41. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлик бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошка енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чикса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлик бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вактда мутаносиб равиша узайтирилади.

42. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг окибатлари бир ойда кўп вактда чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун кандай чоралар кўрилишини мухокама қиладилар.

43. Агар томонлар иккى ой ичida келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳаклидир.

#### **XI. Курилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш**

44. Курилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофик мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек курилиши тугалланган объектни фойдаланишига қабул қилиб олишининг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

45. Объектни фойдаланишига тайёрлиги тўғрисида Пудратчи ёзма билдиришномасини Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 2 кун мобайнида қабул қилиб олинади.

46. Пудратчи қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан беш кун олдин мазкур шартноманинг Убўлимига мувофик Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгилаган таркибдаги иккى нусха ижро хужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу хужжатлар тўпламини амалда бажарилган ишларга тўлик мос келишини ёзма равиша тасдиқлаши керак.

47. Қабул килиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

## XII. Кафолатлар

48. Пудратчи:

- барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажаришни;

- лойиха хужжатлари ҳамда курилиш меъёрлари, коидалари ва техник шартларга мувофик бажарилган барча ишлар сифатини;

- ўзи томонидан курилиш учун қўлланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва коммуникация тизимлари сифатини, уларнинг лойиха хужжатларида кўрсатилган сертификатларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларига мувофиклигини;

- ишларни қабул килиш ва объектдан фойдаланишининг кафолатли даврида аникланган камчиликлар ва нуксонларни ўз вактида бартараф килинишни;

объектдан фойдаланганда мухандислик тизимлари ва ускуналарининг фойдаланиш коидаларига мувофиклигини кафолатлайди.

49. Объект ва унга кирадиган мухандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолат муддати томонлар курилиши тугалланган объектнинг қабул килиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида 5 ой этиб белгиланади. Объект томининг кафолат муддати камида 5 ой этиб белгиланади.

50. Агар объектдан фойдаланишининг кафолатли даврида аникланиб, уни бартарф этилгунга қадар фойдаланишини давом эттириши имконини бермайдиган нуксонлар аникланса, у холда кафолат муддати нуксонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуксонлар Пудратчи томонидан унинг ўз хисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуксонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномаларида кайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишларидаги нуксонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичida бартараф этмаса, у холда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII-бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб колиш хукукига эга.

Ҳар бир тараф шартнома тутилган пайтда бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлик муносабалар юзасидан конунга хилоф равишда пул, моддий кийматликлар берилмаганлигини, шартнома тузилиши эвазига норасмий пул ёки бошка моддий кийматликлар олинишига йўл кўйилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда килинмаганлигини, шунингдек моддий ёки ҳар кандай турдаги имтиёз, устунликлар олинмаганлигини (келажакда бу турдаги харакатларни амалга ошириши мумкинлиги ҳакида таассурот колдирилмаганлигини) кафолатлайди. Пудратчининг коррупция ва (ёки) манфаатлар тўқнашувига йўл кўйганлиги суд томонидан аникланган тақдирда, у томонидан етказилган барча зарар коплаб берилиши кафолатланади.

51. Пудратчи нуксонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош торган тақдирда, уларни текшириб чикиш курилишда Давлат назорати инспекцияси томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича хўжалик судига мурожаат килишини истисно этмайди.

## XIII. Шартномани бекор килиши

52. Буюртмачи:

- шартнома кучга киргандан кейин курилишининг бошланиши Буюртмачига боғлик бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вактга кечиктирилганда;

- ишларни тугаллашнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кечиктирилган холда,

- пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

- пудратчи томонидан шартнома шартлари курилиш меъёрлари ва коидалари назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

- конун хужжатларида мувофик бошка асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб килиш хукукига эга.

53. Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлик бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб кўйилганда;

- буюртмачи томонидан молиялантириш шартлари бажарилмаганда;

- конун хужжатларига мувофик бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш хукуқига эга.

54. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг кўшма карорига кўра тугалланмаган қурилиш обьекти бир ой муддатда Буюртмачига топширилади, Буюртмачи бажарилган ишлар кийматини Пудратчига тўлайди.

55. Мазкур шартномани бекор қилишга карор килган томон мазкур бўлим коидасига мувофик иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

56. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

57. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, конун хужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

#### XV. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги

58. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажарилмаган тақдирда айбдор томон:

- иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди;

- Ўзбекистон Республикасининг Фукаролик кодексида, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конунида, бошқа конун хужжатларида хамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

59. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя килмаганлиги, ўз вактида молияштирулмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечикирилган ҳар бир кун учун мажбуриятининг бажарилмаган кисмининг 0,5 % микдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар кийматининг 50% фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлашни Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни коплашдан озод этмайди.

60. Шартномага мувофик бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз радиша бош тортилганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлаши рад этган ёки бош тортган сумманинг 0,5 фоизи микдорида жарима тўлайди.

61. Пудратчи обьектни ўз вактида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган кисмининг 0,5 фоизи микдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси обьект шартномавий жорий кийматининг 50% фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуксонлар ва камчиликлар ўз вактида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар кийматининг 0,1 фоиз микдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар кийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларини бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни коплашдан озод этмайди

62. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёллари ва коидаларига, ишчи хужжатларига мувофик бўлмаса у ҳолда Буюртмачи қурилишда Давлат назорати инспекциясининг хulosаси асосида обьектни кабул қилиш ва унинг учун ҳак тўлашдан бош тортиш, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар кийматининг 0,5 фоизи микдорида ундириш хукуқига эга.

63. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан копланмаган заарларни коплайди.

64. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод этмайди.

#### XV. Низоларни ҳал этиш тартиби

65. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган заарларни коплашда пайдо буладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса, улар конун хужжатларида белгиланган тартибда Тошкент туманлараро иктисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

#### XVI. Алоҳида шартлар

66. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

67. Пудратчи курилиш обьектига ёки унинг алохига қисмларига тегишли иш хужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташкари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш хукуқига эга бўлмайди.

68. Мазкур шартномага барча ўзгартариш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзоланган бўлса ҳакиқий ҳисобланади.

69. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чикмайдиган янги мажбуриятлар пайдобўлишига олиб келадиган ҳар қандай келишувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгаришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

70. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунланганидан кейин курилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни колдирса, у холда Буюртмачи Пудратчи курилиш майдонини озод килиш санаасигача бажарган ишлари учун ҳак тўлашни кечикиришга ҳақлийdir.

71. Томонлар мазкур шартноманинг амал килиш даврида ўз хукуклари ва мажбуриятлари билан боғлик равишида Ўзбекистон Республикаси коррупцияга карши курашишни тартибга солувчи конун хужжатлари нормаларини бузиш мумкин бўлган ҳар қандай чоралар кўрмасликлари ёки хатти-харакатларни содир этмасликлари юзасидан мажбуриятларни катъий эътироф этган холда, ўзаро хамкорлик маданиятини юкори даражада таъминлаш ва коррупция ҳолатларига муросасиз курашиш чораларини кўради.

Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча холлар учун амалдаги конун хужжатлари нормалари кўлланилади.

72. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.

73. Шартномани амал килиш муддати 2022 йил 31 декабргача.

## XVII. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзилари:

### БУЮРТМАЧИ:

**«МИРЗО УЛУГБЕК ТУМАНИ  
ОБОДОНЛАШТИРИШ БОШҚАРМАСИ»**  
Манзили: Тошкент шахар Мирзо Улугбек тумани Фазалкент кўчаси 51 уй.  
Банк: Тошкент шахар Марказий банк Бош бошкармаси ХККМ  
Х/Р: 2340 2000 3001 0000 1010  
МФО: 00014 ИИН: 200 541 492  
Х/Р: 100022860262697045203110006

Рахбар: Арифхонжаев А.Ш.  
М.У.



### ПУДРАТЧИ:

**"BARAKA MUXAMMADSHARIF" MCHJ**  
Манзили: Тошкент шахар Сергили кўчаси Ўқтувчи №22 уй  
Банк: ТОШКЕНТ Ш., "КАПИТАЛБАНК" АТ БАНКИННИГ СИРГАЛИ ФИЛИАЛИ ·  
Х/Р: 20208000105197030001  
МФО 01042  
ИНН 307236809  
ОКЭД 42110

Рахбар: Арифхонжаев А.Ш.

М.У. (имзо)



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY  
XULOSA**

**FV8163048158**

- 1. Loyihaning turi :** Shartnoma
- 2. Loyihaning nomi.** BARAKA MUXAMMAD SHARIF MCHJ
- 3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot:** Mirzo-Ulug‘bek tumani obodonlashtirish boshqarmasi tomonidan 05.12.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Mirzo ulug‘bek tuman  
yuridik markaz  
bosh yuristkonsulti:**



**A.N.JUMANIYOZOVA**

07.12.2022



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
DAVLAT SOLIQ QO'MITASI

ГОСУДАРСТВЕННЫЙ НАЛОГОВЫЙ КОМИТЕТ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

QO'SHILGAN QIYMAT SOLIG'I SOLIQ TO'LOVCHISI SIFATIDA RO'YXATDAN  
OTGANLIGI TO'G'RISIDA  
GUVOHNOMA

С В И Д Е Т Е Л Ъ С Т В О  
О РЕГИСТРАЦИИ В КАЧЕСТВЕ НАЛОГОПЛАТЕЛЬЩИКА НАЛОГА НА  
ДОБАВЛЕННУЮ СТОИМОСТЬ

QQS RO'YXAT RAQAMI

РЕГИСТРАЦИОННЫЙ НОМЕР НДС

326070155047

Mazkur guvohnoma QQS soliq to'lovchisi sifatida hisobga qo'yilganligi va QQS shaxsiy ro'yxatga olish raqami berilganligini tasdiqlaydi

Настоящее Свидетельство подтверждает постановку на регистрационный учет в качестве налогоплательщика НДС и присвоения индивидуального регистрационного номера НДС

Soliq to'lovchining nomi

Наименование налогоплательщика

"BARAKA MUXAMMADSHARIF" MCHJ

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami

Идентификационный номер налогоплательщика

307236809

Shaxs QQS soliq to'lovchisi bo'lgan sana

Дата с которой лицо становится плательщиком  
НДС

01.05.2021

Ro'yxatdan o'tish sanasi

Дата регистрации

05.04.2021



Ma'lumotnomada ko'rsatilgan ma'lumotlar to'g'rilib tekshirish uchun mobil telefon yordamida QR-kodni skaner qiling.  
Отсканируйте QR-код при помощи мобильного устройства для проверки подлинности информации.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚҮМИТАСИ  
ГОСУДАРСТВЕННЫЙ НАЛОГОВЫЙ КОМИТЕТ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Солик тўловчининг Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитасида рўйхатта олинганилиги ва унга идентификация раками берилганилиги тўғрисида  
**ГУВОҲНОМА**

**УДОСТОВЕРЕНИЕ**

о регистрации в Государственном налоговом комитете Республики Узбекистан  
и присвоении идентификационного номера налогоплательщику

**СОЛИҚ ТЎЛОВЧИ - ЮРИДИК ШАХС  
НАЛОГОПЛАТЕЛЬЩИК - ЮРИДИЧЕСКОЕ ЛИЦО**

Тўлик номи:  
Полное наименование:

"BARAKA MUXAMMADSHARIF"  
MAS'ULIYATI CHEKLANGAN JAMIYAT

Қисқача номи:  
Краткое наименование:

"BARAKA MUXAMMADSHARIF" MCHJ

Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитасида рўйхатта олинди ва унга куйидаги  
солик тўловчи идентификация раками (СТИР) берилди:

Зарегистрирован в Государственном налоговом комитете Республики Узбекистан  
и ему присвоен идентификационный номер налогоплательщика (ИНН):

307236809

СТИР берилган сана:  
Дата присвоения ИНН:

17.03.2020

Рўйхатта олинган ДСИ:  
Зарегистрирован в ГНИ:

Сергели тумани

Ушбу Гувоҳнома Давлат солик қўмитасининг интернетдаги расмий сайти  
орқали шакллантирилган ва чоп этилган

Данное Удостоверение сформировано и распечатано через официальный сайт  
Государственного налогового комитета

Гувоҳнома чоп этилган сана:  
Дата распечатки удостоверения:

29.11.2022 11:05:52

ОБЩЕСТВО С ОГРАНИЧЕННОЙ ОТВЕТСТВЕННОСТЬЮ  
**«BARAKA MUXAMMADSHARIF»**  
MAS'ULIYATI CHEKLANGAN JAMIYATI

Адрес: Республ. Узбекистан, г. Ташкент, Сергелийский район, ул. Учительская дом 22 тел. +71 292 72 12 моб +93 596 88 78, р/с 20208000105197030001 Гашар АКБ Капиталбанк Сергели филиал МФО 01042, ИНН 307236809 ., ОКЭД 77110

№ 30

Сана «18» ноябрь 2022 г.

5-шакл

Харид комиссиясига

**Коррупция куринишларига йул куймаслик буйича  
АРИЗА**

Ушбу хат билан "BARAKA MUXAMMADSHARIF" МЧЖ компанияси

- 1) Узбекистон Республикасининг 22.04.2021 йилдаги «Давлат харидлари тутгрисида»ти УРК-684-сонли Конун талабларига риоя этиш мажбуриятини уз зиммасига олганлигини;
- 2) Хар қандай харакат, карор кабул килиш ёки давлат харидлари жароёнида хар қандай «БҮЮРТМАЧИ» харидлар тартибини куллаш комиссияси таъсир килиши учун БҮЮРТМАЧИнинг хар қандай жорий ёки собик мансабдор шахс ёки ходими ёки бошка давлат органига хар қандай шаклда, бир иш ёки хар қандай бошка кимматли нарса ёки хизмат бевосита ёки билвосита таклиф этиш ёки кимматбаҳо нарса бериш мажбуриятини уз зиммасига олганлигини;
- 3) ракобатта карши харакатларни содир этмаслик мажбуриятини олганлигини, шу жумладан мансублик холатлари аникланганда,
- 4) Буюртмачи билан билан кизикишлар буйича низоларга эга эмаслигини, муассислар ва/ёки ижрочи ичига ижрочининг танловига кура карор кабул килиш хукукига эга булган якин кариндошларга ёки ходимларга эга эмаслигини;
- 5) нархлар ёки танловлар натижаларини бузиш максадида бошка иштирокчилар билан келишувга эга эмаслиги;
- 6) фирибгарлик, маълумотларни сохталаштириш ва коррупцияни олдини олиш мажбуриятини олганлигини;
- 7) Сохта ёки калбаки хужжатлар тақдим этмаслик, ушбу лотда иштирок этган аффилдланган шахслар хакидаги маълумотларни ошкор килиш мажбуриятини олганлигини тасдиклайди.

"BARAKA MUXAMMADSHARIF"  
МЧЖ раҳбари



Арифходжаев А.Ш.

**ООО «AMAZING-PROJECT»**  
ЛИЦЕНЗИЯ №АЛ-000183 выдана 30.08.19г.

## **РАСЧЕТ СТАРТОВОЙ СТОИМОСТИ В ТЕКУЩИХ ЦЕНАХ**

**"ТЕКУЩИЙ РЕМОНТ  
АСФАЛЬТОБЕТОННОГО ПОКРЫТИЯ  
МИРЗО УЛУГБЕКСКОГО РАЙОНА г.  
ТАШКЕНТА МАХАЛЛЯ АЛЬПОМИШ  
ТУПИК МИРИШКОР"**

**Ташкент 2022г**  
**НАШИ КОНТАКТЫ: (99) 882-55-93**

## **ПОЯСНИТЕЛЬНАЯ ЗАПИСКА**

### **«ТЕКУЩИЙ РЕМОНТ АСФАЛЬТОБЕТОННОГО ПОКРЫТИЯ МИРЗО УЛУГБЕКСКОГО РАЙОНА г. ТАШКЕНТА МАХАЛЛЯ АЛЬПОМИШ ТУПИК МИРИШКОР»**

Договорная стоимость объекта определена в текущих ценах, согласно Постановления Кабинета Министров РУз от 11.06.2003 года № 261 «О переходе на договорные текущие цены при реализации инвестиционных проектов, осуществляемых за счет централизованных капитальных вложений», а также методических рекомендаций по составлению ресурсных расчетов (смет) на строительные и монтажные работы, ШНК 4.01.16-09.

Среднечасовая заработка рабочих – строителей принята на основании данных Управления статистики и составляет 31 086,46 сум за 1 чел/час, с учетом отчисления на социальное страхование 12%.

Цены на строительные материалы и материально-технические ресурсы применяемые в строительном производстве РУз “Центра по экономическому реформированию и ценообразованию в капитальном строительстве Госархитектстроя РУз, а также сложившихся средних оптовых рыночных цен.

Определенная настоящей ресурсной сметой стоимости прямых затрат в текущих ценах носит рекомендательный характер (ШНК 4.01.16-09 главы 4 (п.4.5) ) и не может служить ориентиром и основанием при взаиморасчетах между заказчиком и подрядной организацией.

На основании Постановления Кабинета Министров РУз от 15.08.95 г. за №16/19 - 28 денежная единица в сметной документации принята – Сум.

Транспортные расходы на строительные материалы приняты 3%, согласно письма №352/11 05 от 31.01.2011г.

Прочие затраты подрядчика приняты согласно данным Государственного Комитета РУз по архитектуре и строительству в размере 17,27 % от суммы прямых затрат.

Всего прямые затраты **68 163 956** сум.

Всего стоимость работ в текущих ценах составляют **79 935 871** сум.

Всего стоимость работ в текущих ценах с НДС **91 926 252** сум.

**СТАРТОВАЯ СТОИМОСТЬ СТРОИТЕЛЬСТВА  
В ДОГОВОРНЫХ ТЕКУЩИХ ЦЕНАХ ПО ОБЪЕКТУ :**

ТЕКУЩИЙ РЕМОНТ АСФАЛЬТОБЕТОННОГО ПОКРЫТИЯ МИРЗО УЛУГБЕКСКОГО РАЙОНА г. ТАШКЕНТА  
МАХАЛЛЯ АЛЬПОМИШ ТУПИК МИРИШКОР

№№	НАИМЕНОВАНИЕ ЗАТРАТ	СТОИМОСТЬ (тыс. сум)
1	Затраты на оборудование, мебель и инвентарь, с учетом транспортных и заготовительно-складских расходов	0,000
2	Затраты на строительные материалы, изделия и конструкции, с учетом транспортных и заготовительно-складских расходов	62 464,707
3	Затраты на основную заработную плату с учетом начислений на социальное страхование	2 053,221
4	Затраты на эксплуатацию машин и механизмов (с учетом зарплаты машинистов), перевозку грузов	3 646,028
5	<b>Итого прямых затрат</b>	<b>68 163,956</b>
6	Прочие затраты производственного характера 0%	0,000
7	Прочие затраты и расходы Подрядчика 17,27%	11 771,915
8	Затраты на страхование строительства объектов 0,4% с K=0,8	0,000
9	Затраты для учета коэффициента риска, определяемого исходя из прогнозируемого индекса роста цен в строительстве 0%	0,000
10	<b>ИТОГО стоимость строительства в текущих ценах без НДС</b>	<b>79 935,871</b>
	НДС 15%	11 990,381
11	<b>ИТОГО стоимость строительства в текущих ценах с НДС 15%</b>	<b>91 926,252</b>
	Прочие затраты Заказчика	0,000
12	<b>ВСЕГО стоимость строительства в текущих ценах с НДС и прочими затратами Заказчика</b>	<b>91 926,252</b>

В соответствии с Постановлением Кабинета Министров от 11.06.03г.№ 261 "О переходе на договорные текущие цены при реализации инвестиционных проектов, осуществляемых за счет централизованных капитальных вложений", стоимость строительства объекта является рекомендуемой для заключения договоров между Заказчиком и Подрядчиком, и уточняется по договорной стоимости производства работ по результатам тендера/агенде.

ЗАКАЗЧИК:

наименование организации

Ф.И.О. руководителя

ИСПОЛНИТЕЛЬ

ООО «AMAZING-PROJECT»

МАЛЫШКИН Д.В.



НАИМЕНОВАНИЕ ОБЪЕКТА: ТЕКУЩИЙ РЕМОНТ АСФАЛЬТОБЕТОННОГО ПОКРЫТИЯ МИРЗО УЛУГБЕКСКОГО РАЙОНА г. ТАШКЕНТА МАХАЛЯ АЛЬПОМИШ ТУПИК МИРИШКОР

**ЛОКАЛЬНАЯ РЕСУРСНАЯ СМЕТА**

НА ТЕКУЩИЙ РЕМОНТ АСФАЛЬТОБЕТОННОГО ПОКРЫТИЯ МИРЗО УЛУГБЕКСКОГО РАЙОНА г. ТАШКЕНТА МАХАЛЯ АЛЬПОМИШ ТУПИК МИРИШКОР

**ПРЯМЫЕ ЗАТРАТЫ**

В ТОМ ЧИСЛЕ							68 163 956 сум
ЗАРАБОТНАЯ ПЛАТА							2 053 221 сум
ЭКСПЛУАТАЦИЯ МАШИН И МЕХАНИЗМОВ							3 646 028 сум
СТОИМОСТЬ СТРОИТЕЛЬНЫХ МАТЕРИАЛОВ							62 464 707 сум
ПЕРЕВОЗКА							0 сум
ОБОРУДОВАНИЕ							0 сум

ОСНОВАНИЕ: ДЕФЕКТНЫЙ АКТ

№№	РЕСУРС	ОБОСНОВАНИЕ	НАИМЕНОВАНИЕ РЕСУРСА	ЕДИЗМ	КОЛ-ВО	ЦЕНА	СУММА
1	2	3	4	5	6	7	8
<b>ТРУДОВЫЕ РЕСУРСЫ</b>							
1	000001		ЗАТРАТЫ ТРУДА РАБОЧИХ-СТРОИТЕЛЕЙ	ЧЕЛ-Ч	66,048731	31 086,46	2 053 221
			ИТОГО				2 053 221
<b>СТРОИТЕЛЬНЫЕ МАШИНЫ И МЕХАНИЗМЫ</b>							
1	000107	C212-202	АВТОГРЕЙДЕРЫ СРЕДНЕГО ТИПА 99 (135) КВТ (Л.С.)	МАШ-Ч	1,1552	258 000,00	298 042
2	000163		АВТОМОБИЛИ-САМОСВАЛЫ ГРУЗОПОДЪЕМНОСТЬЮ ДО 10 Т	МАШ-Ч	2,425616	105 068,00	254 855
3	000620	C215-3101	КАТКИ ДОРОЖНЫЕ САМОХОДНЫЕ ГЛАДКИЕ 5 Т	МАШ-Ч	5,79975	158 867,00	921 389
4	000621	C212-906	КАТКИ ДОРОЖНЫЕ САМОХОДНЫЕ ГЛАДКИЕ 8 Т	МАШ-Ч	1,0208472	204 376,00	208 637
5	000659	C205-101	КОМПРЕССОРЫ ПЕРЕДВИЖНЫЕ С ДВИГАТЕЛЕМ ВНУТРЕННЕГО СГОРАНИЯ ДАВЛЕНИЕМ ДО 686 КПА (7 АТМ) 2,2 М3/МИН	МАШ-Ч	5,593125	14 520,00	81 212
6	001199	C233-804	МОЛОТКИ ОТБОЙНЫЕ ПНЕВМАТИЧЕСКИЕ	МАШ-Ч	16,779375	750,00	12 585
7	002398		ЭКСКАВАТОРЫ С ОБРАТНОЙ ЛОПАТОЙ 0,5 М3	МАШ-Ч	0,46056	226 125,00	104 144
8	003097		УКЛАДЧИКИ АСФАЛЬТОБЕТОНА СРЕДНИХ ТИПОРАЗМЕРОВ ТИПА АСФАЛЬТОУКЛАДЧИКОВ ФИРМЫ "VOGELE" С ШИРИНОЙ УКЛАДКИ ДО 6,5 М	МАШ-Ч	1,368	658 750,00	901 170
9	003348		КАТКИ САМОХОДНЫЕ ДОРОЖНЫЕ ВИБРАЦИОННЫЕ ТИПА "DYNAPAC", "HAMM", "BOMAG" 8 Т	МАШ-Ч	2,926	204 375,00	598 001
10	003349		КАТКИ САМОХОДНЫЕ ДОРОЖНЫЕ ВИБРАЦИОННЫЕ ТИПА "DYNAPAC", "HAMM", "BOMAG" 10 Т	МАШ-Ч	1,3015	204 375,00	265 994
			ИТОГО		СУМ		3 646 028
<b>СТРОИТЕЛЬНЫЕ МАТЕРИАЛЫ И КОНСТРУКЦИИ</b>							
<b>МЕСТНЫЕ МАТЕРИАЛЫ И КОНСТРУКЦИИ</b>							
1	006076		АСФАЛЬТОБЕТОННАЯ СМЕСЬ ПЛОТНАЯ	Т	119,86416	491 000,00	58 853 303
2	030137	C140-30137	ЭМУЛЬСИЯ БИТУМНАЯ	Т	0,03084384	4 200 000,00	129 544
			ИТОГО		СУМ		58 982 847
			ТРАНСПОРТНЫЕ РАСХОДЫ		СУМ	3	1 769 485
			ВСЕГО		СУМ		60 752 332
<b>ИНЕРТНЫЕ МАТЕРИАЛЫ</b>							
1		B G	ЩЕБЕНЬ 5Х20	М3	47,5	35 000,00	1 662 500
			ИТОГО		СУМ		1 662 500
			ТРАНСПОРТНЫЕ РАСХОДЫ		СУМ	3	49 875
			ВСЕГО		СУМ		1 712 375
			ВСЕГО МАТЕРИАЛОВ		СУМ		62 464 707
			ВСЕГО		СУМ		68 163 956

		ПРОЧИЕ ЗАТРАТЫ ПОДРЯЧИКА 17,27%		СУМ		11 771 915
		ИТОГО		СУМ		79 935 871
		ИТОГО		СУМ		79 935 871
		НДС 15%		СУМ		11 990 381
		ВСЕГО:		СУМ		91 926 252

СОСТАВИЛ:

ЗАКАЗЧИК:



НАИМЕНОВАНИЕ ОБЪЕКТА: ТЕКУЩИЙ РЕМОНТ АСФАЛЬТОБЕТОННОГО ПОКРЫТИЯ МИРЗО УЛУГБЕКСКОГО РАЙОНА г. ТАШКЕНТА МАХАЛЯ АЛЬПОМИШ ТУПИК МИРИШКОР

## ЛОКАЛЬНАЯ РЕСУРСНАЯ ВЕДОМОСТЬ

ТЕКУЩИЙ РЕМОНТ АСФАЛЬТОБЕТОННОГО ПОКРЫТИЯ МИРЗО УЛУГБЕКСКОГО РАЙОНА г. ТАШКЕНТА МАХАЛЯ АЛЬПОМИШ ТУПИК МИРИШКОР

## ОСНОВАНИЕ ДЕФЕКТНЫЙ АКТ

№№	ОБОСНОВАНИЕ	НАИМЕНОВАНИЕ РАБОТ И РЕСУРСОВ	ЕД.ИЗМ	КОЛ-ВО	
				НА	ПО ПРОЕКТУ
1	2	3	4	5	6
1	E68-12-4	РАЗБОРКА ПОКРЫТИЙ И ОСНОВАНИЙ: АСФАЛЬТОБЕТОННЫХ С ПОМОЩЬЮ МОЛОТКОВ	100М3	0,1425	
1.1	000001	ЗАТРАТЫ ТРУДА РАБОЧИХ-СТРОИТЕЛЕЙ	ЧЕЛ-Ч	243,35	34,677375
1.2	000107	АВТОГРЕЙДЕРЫ СРЕДНЕГО ТИПА 99 (135) КВТ (Л.С.)	МАШ-Ч	2,14	0,30495
1.3	000659	КОМПРЕССОРЫ ПЕРЕДВИЖНЫЕ С ДВИГАТЕЛЕМ ВНУТРЕННЕГО СГОРАНИЯ ДАВЛЕНИЕМ ДО 686 КПА (7 АТМ.)	МАШ-Ч	39,25	5,593125
1.4	001199	МОЛОТКИ ОТБОЙНЫЕ ПНЕВМАТИЧЕСКИЕ	МАШ-Ч	117,75	16,779375
2	C310-1015	ПЕРЕВОЗКА ГРУЗОВ АВТОМОБИЛЕМ НА 15 КМ, КЛАСС	Т	19,19	
2.1	000003	ЗАТРАТЫ ТРУДА МАШИНИСТОВ	ЧЕЛ-Ч	0,1264	2,425616
2.2	000163	АВТОМОБИЛИ-САМОСВАЛЫ ГРУЗОПОДЪЕМНОСТЬЮ ДО 10	МАШ-Ч	0,1264	2,425616
3	C311-52-1	ПОГРУЗКА: МУСОР СТРОИТЕЛЬНЫЙ С ПОГРУЗКОЙ ЭКСКАВАТОРАМИ	Т	19,19	
3.1	000003	ЗАТРАТЫ ТРУДА МАШИНИСТОВ	ЧЕЛ-Ч	0,024	0,46056
3.2	002398	ЭКСКАВАТОРЫ С ОБРАТНОЙ ЛОПАТОЙ 0,5 М3	МАШ-Ч	0,024	0,46056
4	E27-4-1-4	УСТРОЙСТВО ПОДСТИЛАЮЩИХ И ВЫРАВНИВАЮЩИХ СЛОЕВ ОСНОВАНИЙ ИЗ ЩЕБНЯ	100М3	0,475	
4.1	000001	ЗАТРАТЫ ТРУДА РАБОЧИХ-СТРОИТЕЛЕЙ	ЧЕЛ-Ч	21,6	10,26
4.2	000107	АВТОГРЕЙДЕРЫ СРЕДНЕГО ТИПА 99 (135) КВТ (Л.С.)	МАШ-Ч	1,79	0,85025
4.3	000620	КАТКИ ДОРОЖНЫЕ САМОХОДНЫЕ ГЛАДКИЕ 5 Т	МАШ-Ч	12,21	5,79975
5	B G	ЩЕБЕНЬ 5Х20	М3	47,5	
6	E27-3-4-1	УСТРОЙСТВО ВЫРАВНИВАЮЩЕГО СЛОЯ ИЗ АСФАЛЬТОБЕТОННОЙ СМЕСИ В РУЧНУЮ /ПРИМ./	100Т	0,27816	
6.1	000001	ЗАТРАТЫ ТРУДА РАБОЧИХ-СТРОИТЕЛЕЙ	ЧЕЛ-Ч	19,1	5,312856
6.2	000621	КАТКИ ДОРОЖНЫЕ САМОХОДНЫЕ ГЛАДКИЕ В Т	МАШ-Ч	3,67	1,0208472
6.3	006076	АСФАЛЬТОБЕТОННАЯ СМЕСЬ ПЛОТНАЯ МЕЛКОЗЕРНИСТАЯ	Т	101	28,09416
6.4	030137	ЭМУЛЬСИЯ БИТУМНАЯ	Т	0,074	0,02058384
7	E27-13-10-1 ШНК ДОП.9	УСТРОЙСТВО ПОКРЫТИЯ ИЗ ГОРЯЧИХ АСФАЛЬТОБЕТОННЫХ СМЕСЕЙ АСФАЛЬТОУКЛАДЧИКАМИ ПРИ ШИРИНЕ УКЛАДКИ ДО 6 М. И ТОЛЩИНОЙ СЛОЯ 4 СМ:	1000М2	0,95	
7.1	000001	ЗАТРАТЫ ТРУДА РАБОЧИХ-СТРОИТЕЛЕЙ	ЧЕЛ-Ч	16,63	15,7985
7.2	003097	УКЛАДЧИКИ АСФАЛЬТОБЕТОНА СРЕДНИХ ТИПОРАЗМЕРОВ ТИПА АСФАЛЬТОУКЛАДЧИКОВ ФИРМЫ "VOGELE" С ШИРИНОЙ УКЛАДКИ ДО 6,5 М	МАШ-Ч	1,44	1,368
7.3	003348	КАТКИ САМОХОДНЫЕ ДОРОЖНЫЕ ВИБРАЦИОННЫЕ ТИПА "DYNAPAC", "HAMM", "BOMAG", 8 Т	МАШ-Ч	3,08	2,926
7.4	003349	КАТКИ САМОХОДНЫЕ ДОРОЖНЫЕ ВИБРАЦИОННЫЕ ТИПА "DYNAPAC", "HAMM", "BOMAG", 10 Т	МАШ-Ч	1,37	1,3015
7.5	006076	АСФАЛЬТОБЕТОННАЯ СМЕСЬ ПЛОТНАЯ МЕЛКОЗЕРНИСТАЯ	Т	98,6	91,77
7.6	030137	ЭМУЛЬСИЯ БИТУМНАЯ	Т	0,0108	0,01026

СОСТАВИЛ: \_\_\_\_\_

ЗАКАЗНИК: \_\_\_\_\_





УТВЕРЖДАЮ

ДЕФЕКТНЫЙ АКТ

ТЕКУЩИЙ РЕМОНТ АСФАЛЬТОБЕТОННОГО ПОКРЫТИЯ МИРЗО УЛУГБЕКСКОГО РАЙОНА г.  
ТАШКЕНТА МАХАЛЛЯ АЛЬПОМИШ ТУПИК МИРИШКОР

№№	НАИМЕНОВАНИЕ РАБОТ И РЕСУРСОВ	ЕД.ИЗМ	КОЛ-ВО
1	3	4	5
1	РАЗБОРКА ПОКРЫТИЙ И ОСНОВАНИЙ АСФАЛЬТОБЕТОННЫХ С ПОМОЩЬЮ МОЛОТКОВ ОТБОЙНЫХ	100М3	0,1425
2	ПЕРЕВОЗКА ГРУЗОВ АВТОМОБИЛЕМ НА 15 КМ, КЛАСС ГРУЗА 1	Т	19,19
3	ПОГРУЗКА: МУСОР СТРОИТЕЛЬНЫЙ С ПОГРУЗКОЙ ЭКСКАВАТОРАМИ	Т	19,19
4	УСТРОИСТВО ПОДСТИЛАЮЩИХ И ВЫРАВНИВАЮЩИХ СЛОЕВ ОСНОВАНИЙ ИЗ ШЕБЕНЯ	100М3	0,475
6	УСТРОИСТВО ВЫРАВНИВАЮЩЕГО СЛОЯ ИЗ АСФАЛЬТОБЕТОННОЙ СМЕСИ В РУЧНУЮ /ПРИМ/	100Т	0,27816
7	УСТРОИСТВО ПОКРЫТИЯ ИЗ ГОРЯЧИХ АСФАЛЬТОБЕТОННЫХ СМЕСЕЙ АСФАЛЬТОУКЛАДЧИКАМИ ПРИ ШИРИНЕ УКЛАДКИ ДО 6 М И ТОЛЩИНОЙ СЛОЯ 4 СМ. ПЛОТНЫХ МЕЛКОЗЕРНИСТЫХ	1000М2	0,95

ЧЛЕНЫ КОМИССИИ

Инженер ин:Закиров Т.Т.бухгалтер:Нодирбек Жандашева Ж.Ж.начальник парка:  Собир Умурзаков А.А.начальник дорожного  Омилов Ж.Ж.отдела:начальник отделения:  Собирев О.С.



№ 3939-685d-6928-7f40-6c86-3757-1920  
Хужкат яратилинган сана: 2019-08-30

Хужкат берилган: ОБЩЕСТВО С ОГРАНИЧЕННОЙ  
ОТВЕТСТВЕННОСТЬЮ "AMAZING-PROJECT"  
Қабул қилувчининг идентификация рақами: 305794568

**Архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш фаолиятини амалга ошириш учун  
ЛИЦЕНЗИЯ**

ОБЩЕСТВО С ОГРАНИЧЕННОЙ ОТВЕТСТВЕННОСТЬЮ "AMAZING-PROJECT" га объектларнинг мураккаблик тоифалари классификатори бўйича I тоифадаги объектлар учун қўйидаги:

Тўлиқ комплексда лойиҳалаш бўйича фаолият турлари. А груҳи - Уй-жой-хўжалик қурилиши учун объектлар ва комплекслар лойиҳа-смета ҳужжатларини яратиш, шу жумладан уларнинг муҳандислик тармоқлари ва тизимларини лойиҳалаштириш. Саноат қурилиши учун объектлар ва комплекслар лойиҳа-смета ҳужжатларини яратиш, шу жумладан уларнинг муҳандислик тармоқлари ва тизимларини лойиҳалаштириш. Сув хўжалиги қурилиши учун объектлар ва комплекслар лойиҳа-смета ҳужжатларини яратиш, шу жумладан уларнинг муҳандислик тармоқлари ва тизимларини лойиҳалаштириш. Қишлоқ хўжалиги қурилиши учун объектлар ва комплекслар лойиҳа-смета ҳужжатларини яратиш, шу жумладан уларнинг муҳандислик тармоқлари ва тизимларини лойиҳалаштириш. фаолият тур(-лар)и билан шуғулланишга лицензия берилди.

Лицензия берилган сана: 30-08-2019 йил

Лицензия рақами: АЛ-000183

Солиқтўловчининг идентификация рақами(СТИР):305794568

Юридик шахснинг почта манзили: BONU KO'CHASI, 50-UY

Лицензия амал қилиш муддати чекланмаган.

ИНОЯТОВ МИРАББОС МИРКОМИЛОВИЧ

Мазкур ҳужжат Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 сентябрдаги 728-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали тўғрисидаги низомга мувофиқ шакллантирилган электрон ҳужжатнинг нусхаси ҳисобланади. Электрон ҳужжатнинг нусхасида кўрсатилган маълумотлар тўғрилигини текшириш учун [hero.gov.uz](http://hero.gov.uz) веб-сайтига ўтинг ва электрон ҳужжатнинг ноёб рақамини киритинг ёки мобил телефон ёрдамида QR-кодни сканер қилинг. Диққат! Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 сентябрдаги 728-сон қарорига мувофиқ электрон ҳужжатлардаги маълумотлар қонуний ҳисобланади. Давлат органларига Ягона порталда шакллантирилган электрон ҳужжатларнинг нусхаларини қабул қилишни рад этишлари қатъиян тақиқланган.

8704

